ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00264

АУРОБИНДО ГХОШНИНГ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН АҚЛИ

Лочин Азаматович Валиев
Тошкент давлат транспорт университети ассистенти

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳинд халқининг озодлик учун курашида жонбозлик кўрсатган XX асрдаги маърифатпарварлардан бири Гхошнинг ижтимоий қарашлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар; Қутблар, ҳазрат, авлиё, Веда, Упанишада, Йога, биологик, эволюция, инволюция, абстракт, метафизика, Апарада, Брахман, Ананда, нурланган ақл, ритм, материалистик, рационал, борлиқ, этика, эстетика, реаллик, интуитция.

THE HUMAN MIND IN THE SOCIAL AND PHILOSOPHICAL VIEWS OF AUROBINDO GHOSH

Lochin Azamatovich Valiev
Assistant of Tashkent State Transport University

ABSTRACT

The article analyzes the social views of Ghosh, one of the enlighteners of the twentieth century who was active in the Indian people's struggle for freedom

Keywords: Pole, holy, saint, Veda, Uphanishad, Yoga, biological, evolution, involution, abstract, metaphysics, Aparada, Brahman, ananda, emit mind, norm, materialistic, rational, world, ethics, real, aesthetics.

КИРИШ

Ҳар бир даврнинг ўзига хос олим ва уломалари бўлгани каби Ауробиндо Гхош ҳам ҳинд халқининг XIX-XX асрлардаги енг йирик намоёндаларидан биридир. “Ауробиндо Гхош (1872-1950) ҳинд заминида таваллуд топиб, ўзининг илмий салоҳиятини Англияда ривож топдирди. Европада ўқиб Ҳиндистонга қайтгач, Ҳиндистон озодлиги учун курашга раҳбарлик қилган. Файласуф жуда серқирра шахс бўлиб, кўпроқ унинг номига ўзбек тилидаги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00264

“ҳазрат” тушунчасига мос келадиган “шри” деган ҳинд атамаси қўшиб айтиладиган “Шри Ауробиндо” номи билан кенгроқ танилди”.

Унинг шахси ва ижоди XX аср иккинчи ярмидан то ҳозирга қадар дунёнинг хилма хил мамлакатлари тадқиқотчилари диққатини ўзига тортиб келмоқда. Унинг ижоди эндиликда Патанджали, Шанкара, Платон, Плотин, Маркс, Ницше, Бергсон, Тейяр де Шарден, Хайдеггер, Юнг, Уайтхед каби машҳур шахслар ижоди билан бир қиёсда баҳоланмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Гхош ўзининг фалсафий асарларида Платон, Брэдли ва Бергсон ғояларига ҳамфикрлик билдирган. Ҳиндистоннинг бешинчи Ведаси деб шарафланаётган “Интеграл йога” таълимотининг асосчиси. Ромен Роллан уни “Давримизнинг жуда буюк мутафаккири” деб ҳисоблаган. Робиндранат Тагор эса уни “Ҳинд қалбининг овози” деб шарафлаган. Ғарбда Ж.Гербер унинг шогирди ва издоши бўлган. Унинг ижодига даставвал қутбий қарама-қарши қарашлар шаклланган эди – баъзи тадқиқотчилар унинг матнларида XX аср фалсафасининг энг юқори парвозини кўрган бўлсалар, бошқалар (табиийки, ашаддий материализм, рационализм намояндалари) уларда бемаъно, интуитив тушунчалар қалашмасини кўрдилар. Аммо Америкалик тадқиқотчи Питер Хиз (Peter Heehs)нинг бундан мустасно бўлди. Унинг объектив тадқиқотлари натижалари “Архивлар ва тадқиқотлар” номли махсус журналда Шри Ауробиндонинг кўпчиликка номаълум бўлиб келган ишларининг қисмлари ва кичик ҳажмдаги ишлари, унинг кундаликлари, хатлари, турли хужжатлар ва фотографиялар ва уларни тушунтирадиган изоҳлари нашр этилди. Шри Ауробиндонинг кундаликларида бу буюк зот авлиёлик мақомига кўтарилишда ўз бошидан кечирган мистик ҳолатлар босқичма босқич ёритилган.

Ауробиндо фалсафасининг хусусиятларидан бири – унинг инволюция ва эволюция ҳақидаги қоидасидир. Мутафаккир шундан келиб чиқадики, “ғарбнинг” тадрижий ривожланиш ғояси физик ва биологик табиат томонидан чегараланган, “унинг ҳаракатида ҳеч қандай руҳий уйғотиш манбаси йўқ, балки фақат толмас моддий зарурият кучи бор холос” деб тушунтиради.

У ўзининг тадрижий ривожланиш ҳақидаги тушунчасини олға суриб, унга қўшимча сифатида *инволюция* категориясини киритади. Инволюция эволюция (тадрижий ривожланиш) дан олдин келиб, умумий ақл дунёнинг табиатидан келиб чиқади. Дунёнинг демиурги (яратувчиси) сифатида тараққиётини бошлаб беради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00264

Эволюцион ва инволюцион жараёнлар мажмуасида инсон ақли алоҳида ўрин тутади. Инсон Ауробиндо таълимотида – бу тарихдан ташқарида турувчи, абстракт – метафизик моҳиятдир. Инсон учун унинг тақдири сифатида тайёрланган нарса – “илоҳий ҳаёт” дир: ҳар бир киши “олий илоҳий ва воқейликка қадам қўйиши, у билан ўзини бирикиб кетган ҳис қилиши, унда яшаши, унинг ўзининг ижодкори бўлиши лозим; унинг фикр - зикрлари, ҳис - туйғулари, ҳатти – ҳаракатларининг барчаси унинг ақли томонидан чегараланган ва унинг ўзига айланиб қолган бўлиши зарур. Буларнинг барчаси фақатгина шундагина тугалланиши мумкинки, киши Билмасликдан Билишлликка чиқиб ва Билиш орқали олий онгга эришса” деб таъкидлайди.

НАТИЖАЛАР

Файласуф ақлнинг фаол ижодий – яратувчилик табиатини тан олади, аммо бунинг инсон ақлига тааллуқлиги йўқ. Ауробиндо фикрича, инсон ақли фақат яратувчиликдагина эмас, балки дунёни билишда ҳам ожиздир дея фикр юритади. Бу қарашлари немис классик фалсафаси асосчиси Иммануал Кант қарашларига ўхшашлигини кўришимиз мумкин. И.Кант ўзининг фалсафий ривожланиш босқичларининг 3 – танқидий босқичида асосан инсоннинг билиш муаммоларига тухталади. Файласуф билиш жараёнида “нарса ўзида” деб номланган ғояни илгари суради. Бунда инсон бирор бир нарсанинг моҳиятини билишга қодир эмас дея таъкидлайди. Инсон “нарса ўзида”ни фақатгина ўзига мансуб жиҳатларини тушуна олади дейди.

Гхош доктриналари ҳам ақл учун ўз қимматига ега бўлиши мумкинлиги ва турли тизимлар улардаги қарама – қарши хулосалар билан олганда кучли ақл ва қобилият эгалари тараққиётига таъсир этиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг кўрсатишича, ушбу спекулятив(қуруқ муҳокамаларга асосланган, мушохадавий) тафаккурнинг барча ишларидаги фойда унинг инсон ақлини тарбиялашида ва унга ўз чегарасидан ташқарида тўлиқ бир мазмун мавжудлигини ва эътиборни шунга қаратиш кераклигини кўрсатишидадир лекин, фикрловчи ақл, унинг мавжудлигини ноаниқ кўради ёки унинг тафаккурдаги айрим хатто зиддиятли аспектларини аниқлашга уриниб кўради холос....Токи биз соф интеллект соҳасида қолар еканмиз, бу ерда биз қила оладиган барча иш фақат нима ҳақида фикр юритилгани ва кейин нима аниқлангани ҳақида ўйлаш, тахмин қилиниши мумкин бўлган барча ғояларни ҳамиша ўзаро солиштириб туриш ва нихоят, у ёки бу фалсафий эътиқодга, фикр ёки хулосага келишдангина иборат бўлади. Ҳақиқатан тинимсиз тадқиқ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00264

этадиган ҳар қандай кенг ва ўткир интеллектнинг қўлидан келадиган якка-ю ягона позиция шундан иборат. Аммо бу йўл билан чиқариладиган ҳар қандай хулоса фақат мушоҳадавий (спекулятив) бўлади; у ҳеч қандай руҳий қимматга эга бўлмайди; у қалб излаётган ишончли тажриба бўла олмайди ёки ишончни бера олмайди. Ҳамон интеллект бизнинг ягона қуролимиз бўлар экан, моддий борлиқ ҳақидаги билимдан юқорироқ ҳақиқатга эришувнинг бошқа воситаси мавжуд бўлмас экан, у ҳолда оқилона ва чекланмаган агностицизм бизнинг охирги позициямиз бўлиб қолавериши керак бўлади. Ҳодисалар дунёсидаги нарсаларни муаян даражада билиб олиш мумкин, лекин олий ва ақл бовар қилмас моҳият хамиша ноаниқлигича, билиб олинмагинича қолаверади. Фақат мантиқий ақлдан буюкроқ онглаш мавжуд бўлса ва биз унга эриша олсак, унда биз туб Реалликнинг моҳиятига ета оламиз. Шундай англаш қобилияти мавжудми ёки йуқми деган масала хусусида интеллектуал фикрлар, мантиқий далиллар бизни узоққа обора олмайди. Бизга енг керак нарса тажриба қилиш, шундай англашга еришиш, унинг мазмунига киришиш, у билан яшаш. Агар биз шунга эриша олсак, интеллектуал мушоҳада ва муҳокамалар зарурий равишда иккинчи ўринга сурилади ва ҳатто маъносиз бўлиб қолади. Рационал тафаккур шаклидаги фалсафа эса ҳақиқатнинг интеллектуал тафсири ўлароқ, агар шундай тафсирнинг иложи бўлса, бу буюк кашфиётни ментал онгда ифодалаш воситаси шаклида сақланиши мумкин. Файласуф бу борада муҳим янги консепсияни олдинга суради. Ушбу консепсияга кўра инсоният онги аста – секин ялпи эволюция қилиб, буюк зотлар эришган маррага етиши мумкин. Яъни, унинг таълимотига кўра “ақлли инсон” инсоният маънавий тараққиётининг энг сўнги босқичи эмас, рационал тафаккур инсон онги тарихий юксалишнинг энг олий марраси эмас, балки йўлдаги ўткинчи ва қуйи босқичлардан биридир. Бу ғояни тушунтириш учун у инсон онги илгарилаб, тобора юқорига кўтарилиб борадиган босқичларнинг ҳар бирини бирма – бир характерлаб беришга интилган. У инсон онги пиллапояларининг қуйидаги таснифини олдинга суриб, пастдан юқори тартибда оддий ақл, олий ақл, нурланган ақл, интуитив ақл ва глобал ақл поғоналарининг мазмунини қуйидагича ёритади: Унинг тушунтиришича, “оддий ақл инсонда воқеликни бир нуқтаси ёки кичик бир фрагментини ёритиб, яна ўчиб турадиган учқунга ўхшайди. Олий ақл. “Бу ақл рационал – назарий тафаккур намояндаларига – рационалист олимлар ва файласуфларга хос бўлиб, унинг нури оддий ақлга нисбатан эркинроқ ва интенсивроқ бўлади”. Лекин бу нурда ҳарорат бўлмайди ва у қаттиқроқ, оғирроқ бўлади. Бу оғир интеллектуал субстанция олий дунёдан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00264

келаётган нурни тўғридан тўғри қабул қила олмайди, балки ақлий субстанция элементлари билан қориштириб юборади". Шунинг учун унда ҳақиқат софлигича сақлана олмайди, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади. Бу ақл ўзи қабул қилган нурни қайта ишловдан ўтказиш, ўз мазмунидаги элементлар билан қўшиб юбориш, мантиқий бузиб ёриш(экзекуция), қисмлар, тушунчалар ва ғояларга ажратиш (таҳлил этиш, яъни анализ, сентиз қилиш) кабилар билан шуғулланади. Бундан ташқари олий ақл ўзига бир ёки бир неча нуқтадан этиб келган нур орқали хулоса чиқаради. Шу нуқта ёки нуқталардан келган ғояларни у априор деб ҳисоблайди (аксиомага айлантиради). Бу ақл интуициясининг (олий илмларнинг) "томчи" мавжуд ва шу томчиларга зид келадиган барча илмлар рад этилади. Умуман, бу ақл ўзидан юқорироқдаги ёркинроқ нурга очила олади, лекин бу очилиш ахён – ахёнда ва қисқа муддатли бўлади. Чунки бу очиқлик унинг учун нормал ҳолат эмас, балки ғайри табиий, махсус ҳолатдир.

Нурланган ақл бу, ақл поғонасига Олий ақлни секин - аста тинчлантирилгандан кейингина кўтарилиши мумкин. Бу ақл аввалги олий ақлда томчилар сифатида қабул қилинган нурнинг янги оқимга айланиши билан характерланади. Оқимнинг ўзи эса завқу – шавқ, руҳий кўринкилик, эркин парвоз каби эстетик ҳолатлар касб этади. Бунда инсон онги тилларанг нур оқими билан тўлади. Бу босқичда иштиёқ, ташаббускорлик, меҳр – муҳаббат, ҳаёт ритми баралла сезилиб туради. Бу босқичда инсонда буюк эстетик қобилиятлар (шоирлик, рассомлик, композиторлик ва ҳ.к.) уйғонади. Шри Ауробиндонинг кўрсатишича, "нурланган ақлнинг ҳам ўзига камчиликлари бор. Зеро, бу босқичда поезия образлар сифатида келган илҳом сўзлар шаклида бемалол, сел каби жушиб, тошиб, қуюлиб тушар экан, инсон онги уни ўз қалбига сиғдириш қийин бўлган ғайри оддий оқим дея ҳис этади. Инсондаги бу завқу шавқ унинг асабларини қаттиқ қўзғалишига олиб келади". Бу ҳол унинг вужуди ҳали бундай кучли оқимни қабул қилишга тайёр бўлмагани туфайли содир бўлади, деб кўрсатади.А.Гхош. Шу маънода ушбу босқичда ҳам инсон тўлиқ эмас, ярим нурланади. Шунинг учун бу босқич навбатдаги босқичга кўтарилишининг яна бир поғонаси бўлади. Бу босқичда инсон ҳақиқат ҳаммаёқда мавжудлигини тусмол этади, лекин реал кўра олмайди. Реал кўриш учун эса инсон янада мукаммалроқ покланишда давом этиши керак.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00264

МУҲОКАМА

Интуитив ақл. “Бу ақл нурланган ақлдан ўзининг шаффофлиги билан фарқланади. У симоб каби ҳаракатчан бўлиб, ҳар қандай паст – баландликда тўсиқ билмай, бемалол оқа олади. Олий ақлга ҳос бўлган мантиқий шаблонлар уни сиқа олмайди, чегаралай олмайди. Бу ақлнинг билими қандайдир юқоридан ёки теран чуқурликдан эмас, балки ҳамиша кўз ўнгидан келади. Бу билим бизнинг нурланишимизни, инсоннинг нурланишини кутиб туради”. Ҳақиқатга эришув учун биз фақат ўзимизни ундан ажратиб турувчи чегаралардан қутилишимиз керак ҳолос. Шундай қилиб биз Шарқ фалсафасининг жозибадорлиги сирини, унинг онг эволюциясининг қандай босқичига тегишли эканини тасаввур қилиш имкониятига эга бўлдик. Ушбу сир инсон руҳиятининг самовий илҳом булоғи билан боғланишида экан. Шу маънода А.Гхош таснифига кўра фойдалансак, Шарқ поетик фалсафаси Ғарбнинг рационалистик фалсафасидан, масалан, Гегел панлогизмидан камида икки поғона баланд туради. Ваҳоланки, Гегел ўзининг европамарказчилик позициясидан туриб Ғарб маънавий маданиятини Шарқникидан устун ўринга қўйган эди. Бошқа ишида эса унинг ўзи ўз диалектикасини ишлаб чиқишда Румийнинг “Маънавий маснавий”сидан таъсирланишини ёзади. Ваҳоланки, Гхош фалсафаси Румийнинг гўё атир гулларидан иборат маснавийлари гулдастаси олдида қуриб қолган бир гиёхдайдир. Чиндан ҳам, Гхош таснифига кўра Шарқ фалсафий олий ақлнинг эмас, ҳатто нурланган ақлнинг ҳам эмас, балки интуитив поғонанинг маҳсули экани кўринади. Низомий Ганжавий, Ҳусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин румий, Саноий, Ҳофиз, Саъдий ва бошқа буюк зотларнинг поетик – фалсафий ижоди эса айни шу поғонага тегишлидир. Уларнинг асарлари оддий поэзия эмас (нурланган ақл босқичидаги илхомнинг натижаси эмас), балки “Ан ал - Ҳақ”ликка эришган зотларнинг фалсафий поезиясидир. Зеро бу поезия жазба (экстаз) маҳсулидир. Ижоднинг айни шу шаклини Шеллинг эстетик интуитция деб аталган эди. Шу муносабат билан Ғарб эксперименталь рухшунослигининг хавфли томонларини кўрсатиб берган А.Гхошнинг фикрларини, айниқса унинг замонавий руҳшуносликда йул қўйилаётган хатолар оқибати ҳақида айтганларини ва бу борада ўрганиши керак бўлган жуда катта билим соҳаси бор. Ҳозирги кунда бу каби ҳодисалар чиндан ҳам содир бўлганини текширадиган илмий изланиш ва материаллар ҳам тобора кўпаймоқда. Табиат ва жамиятда мувозанатсизлик ҳолатининг кескин кўчайиб бораётгани, иқлимнинг ўзгариб бораётгани, қутблар ўрнининг силжиётгани каби фактлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00264

эндиликда кўпчилик фан намояндалари томонидан қадимги мифологик башоратларнинг тан олинишига ва хатто тегишли илмий изланиш ва амалий тадбирлар амалга оширишга қадар олиб келмоқда. Юқоридаги ғоялар Шри Ауробиндо Гхошнинг “Бундан 10000 йиллар олдин бир қанча даҳо шахслар дунё сирини юлқиб олишга муваффақ бўлган эдилар ва лекин бу сирдан фақат айрим кишиларгина баҳраманд эдилар...” деган фикрини тасдиқлайди ва чиндан ҳам инсоният жамиятининг бундан анча олдинги даврлардаёқ ягона ва мукаммал руҳий маданият – традиция (Вахдат ҳақидаги таълимот) шаклланган ҳақида хулосага олиб келади.

Ауробиндо фикрича, руҳий азоб уқубатлар инсон қалбини покловчи кучли воситалардан бири ҳисобланади. "Синтез йога" асарида Ауробиндо шундай деб ёзади : "Айрим кимсалар ҳаётнинг азоб - уқубатларидан чўчиб, бефарқ бўлиб қолишади, лекин Аллоҳни севган бандаси учун азоб - уқубат, дард аламларни чекиб, сабр – тоқатли бўлиш Аллоҳ висолига етишишнинг ягона йўлидир. Инсон ҳаётидаги ғам -андух ва азоб - уқубатлар пардаланган тўсиқлар бўлиб, уларни енгиб ўтган инсонгина охир оқибат Аллоҳ висолига етишар экан, бу билан у барча ғам андухлардан фориғ бўлади”. Улар эндиликда инсоннинг ички дунёсидаги роҳат ҳис туйғуларига айланади.

Ауробиндо Гхош веданта – йога ҳинд диний фалсафасининг энг йирик вакилларидан бири эди. Ауробиндо ҳинд диний фалсафасининг марказий ғояси – “ҳамма нарса Брахмандир”, дейди: Веданта ва Упанишадда икки шаклда ифодаланган: намоён бўлган – *Апарада* ва намоён бўлмаган олий – *Парада*. Ауробиндо иккинчи шаклдан фойдаланади: унинг Пара – Брахмани – бу шаклсиз, сифатсиз нарса бўлиб, борлиқнинг ўзгармас маънавий биринчи асосидир. Пара – Брахманнинг моҳияти – уч биринчи ибтидо бўлган борлиқ, билиш назарияси ва ахлоқий тартибнинг бирлигидирки улар: *соат* (борлиқ), *чит* (билим) ва *ананда* (роҳат – фароғат) дирлар.

ХУЛОСА

Шри Ауробиндо шахси ва ижодининг буюклиги совет даври олимлари ва файласуфларини бетараф қолдирмаган. Бу даврда унинг асарларига В. В. Бродов, В. С. Костюченко, Р. Б. Рыбаков, А. Д.Литман, И. П. Челышева кабилар асосан Ҳиндистон сиёсий мустақиллиги учун курашдаги (Шри Ауробиндо миллий озодлик курашининг раҳбарларидан бири бўлган 1905–1910 йиллардаги) фаолияти ҳамда у “Арья” номли француз журналида (1910–1921) диний - фалсафий муаммоларни, онтология, ижтимоий фалсафа, эволюция

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00264

ҳамда йога ҳақидаги ўз ғояларини ишлаб чиқиши муносабати билан эътибор қаратган ва кўпроқ материалистик нуқтаи назардан туриб танқидий муносабат билдирган эдилар. Бундай муносабатлар файласуф ижодининг серқирра эканлигидан далолат беради. Шунинг учун бўлса керак дунё бўйлаб олимнинг ижодига қизиқувчилар сони йилдан – йилга ошиб бормоқда.

REFERENCES

1. Ш.Қаҳҳорова Глобаллашув шароитида инсон ҳаёти маъноси. Т.2009.
2. Шри Ауробиндо. Письма о йоге. Часть 11. Москва. “ Амрита-Русь”.2004.
3. Шри Ауробиндо. Синтез йоги. Москва. Никос. 1993.
4. Бродов, В.В. Истоки философской мысли Индии: Йога: методология практических занятий. – М.:Изд-во Моск. ун-та, 1990
5. Шри Ауробиндо. Основы индийской культуры. Санкт-Петербург.Адити. 1998-.
6. Шри Ауробиндо. Час Бога. Йога и ее цели. Мать. Мысли и озарения. Ленинград. Савитри. 1991.
7. Шри Ауробиндо Гхош. Человеческий цикл. Казань. Новый век. 1992.